

АМИР ТЕМУР КУНДАЛИКЛАРИ

Д.САЛИЕВА, Фарғона ВХТХҚТМОИ етакчи ходими

Темур даврига оид энг илк манбалардан бири фикхшунос Ғиёсиддин Али ибн Жамол ал-Ислом Яздийнинг «Рўзномаи ғазовоти Ҳиндистон» асари бўлиб, бунда Амирнинг Ҳиндистонга юриши кундалиги берилган. Бу «Кундалик» шахсан Амир Темурнинг топшириғи билан олим томонидан 1399-1403 йиллар оралигида ёзилган.

Ушбу «Кундалик» Амир Темурнинг Ҳиндистонга қилинган алоҳида юришига бағишланган бўлиб, бизгача етиб келган мукаммал қўлёзмалардан биридир. «Кундалик»нинг айрим жойлари баландпарвоз, Темур шахсини мадҳия қилишга бағишланган бўлишига қарамай, унга танкидий қўз билан қаралса, Темурнинг ҳарбий ютуқларининг илдизини, унинг урушларда ва шаҳарларни камал қилишда қўллаган стратегия ҳамда тактикага оид усулларини, Темур замонасида амал қилган амирлар ва баҳодирлар тизимининг моҳияти ва структурасини тушунишга тааллуқли қизиқарли маълумотлар, ҳинд халқининг Темур қўшинларига кўрсатган қаршиликлари тўғрисида муҳим хабарларнинг шохиди бўламиз.

1902 йилда Тошкентда бўлиб, Туркистон халқ кутубхонасининг қўлёзма асарлари билан танишган В.В.Бартольд «Кундалик»нинг қўлёзмасига эътиборини қаратди. Қўлёзманинг форсча матни унинг шогирди Л.А.Зимин томонидан нашрга тайёрланди ва В.В.Бартольднинг таҳрири ва кириш сўзи билан чоп этилди.

Китобга ёзилган кириш сўзига Ғиёсиддин Алининг ушбу асари Темур тарихини ёритишда муҳимлиги таъкидланиб, бу китобдан машҳур тарихшунослар, соҳибқирон замондоши Низомиддин Шомий, Амирдан сўнг йигирма йилдан кейин у ҳақда асар ёзган Шарафуддин Али Яздий фойдаланганликлари кўрсатиб ўтилади.

1958 йилда А.А.Семёнов томонидан форс тилидан рус тилига ўтирилган Ғиёсиддин асарининг наشري чиқди. Шундай қилиб, Амир Темур юришларига бағишланган асосий манбалардан яна бири фан оламининг мулки бўлиб қолди.

Ғиёсиддин Али асарининг асосида Темурнинг Ҳиндистонга юришида у билан бўлган Насриддин Умарнинг кундалиги ётади, деган тахмин бор. Бу кундалик воқеаларнинг куруқ рўйхатидан иборат бўлиб қолганлиги Темурни қониқтирмайди ва у Ғиёсиддин Алига юришни батафсил ёритишни топширади. Шунинг учун бўлса керак, муаллиф томонидан ёзилган асар ўз матнининг кўтаринкилиги ва Темур қиёфасини илоҳий кучга эга бўлган паҳлавон сифатида таърифлаш билан ажралиб туради.

Яна бир Темур саройининг тарихчиси Низомиддин Шомийнинг асари ҳам қимматлидир. У Табризлик бўлиб, Бағдодда яшаган, бу шаҳар Темур томонидан забт этилгандан сўнг, унга содиқ фуқаро бўлиш учун қасамёд этган. 804 (1401-1402) йилда Низомиддин Шомий Темурнинг подшолиги тарихини китобхонларга тушунарли тилда яратиш тўғрисида фармони олий олган. Сарой солномачиси сифатида Темурнинг кейинги юришларида у билан бирга бўлган Низомиддин Шомийнинг асари «Зафарнома» ёки «Темур зафарномаси» номи билан маълум. Мазкур асар бизнинг давримизгача икки таҳрирда етиб келган ва унда воқеалар тафсилоти 816 (1404) йилнинг охиригача етказилади. Муаллиф асарни яратишда Темур тарихига оид қатор оғзаки ва ёзма манбалардан, жумладан унинг юришларида битилган кундаликлардан ҳам фойдаланган.

Ғарбий Европа адабиётлари орасида ўзининг илмий ва маърифий аҳамияти жиҳатдан ҳозиргача ягона ўзига хос манба – 1403 йилда Темур пойтахти Самарқандга юборилган испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг хотира дафтариридир.

Мазкур кундалик дафтар биринчи марта 1582 йилда Севилья шаҳрида «Улуғ Темурлан тарихи» номи билан, сўнгра 1782 йилда Мадридда «Улуғ Темурланнинг ҳаёти ва фаолияти» номида нашр қилинган. Бу асар кейинчалик ҳам тўлиқ ёки айрим парчалар ҳолида инглиз ва бошқа тилларда босилган. «Кундалик дафтар» матнининг рус тилига биринчи таржимаси академик И.И.Срезневский томонидан амалга оширилган. Муаллифнинг этнографик кузатишлари Самарқанднинг турли-туман бинолари, савдо жойлари ва бозордаги товарлар таркиби, маҳаллий суд ишлари ҳақидаги маълумотлари ўта қимматлидир.

Умуман, Соҳибқирон ва унинг даври тарихи жуда кўплаб олимлар, тарихчилар томонидан ўрганилган ва тадқиқ қилинган. Бу борада ишлар ҳозирги кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда.